

Ҳақиқий суннатга мувофиқ соқол қўйиш қандай бўлади?

21:22 / 27.04.2016 20642

Ҳақиқий суннатга мувофиқ соқол қўйиш қандай бўлади? Яъни томоқнинг тагини қириш керакми ёки йўқми, соқол қўйиш 40 ёшдан кейин суннат унеча мустаҳабми, шунингдек мўйловни қириш мумкинми?

Бу саволда ҳам тўғри маънолар бўлиши билан бирга, ана шундай хурофот, билимсизлик, жоҳиллик асосида тарқалиб қолган гаплардан ҳам намуналар бор. Эркак киши балоғатга етганидан бошлаб, соқол қўйиши бизнинг динимизда бор. Соқолни қўйганда узунлиги тўғрисида гап кетганда кўпчилик фикрий мазҳабларда "бир тутам" бўлиши керак дейди. Яъни "қўлни жағга қўйиб туриб, тутамлаганда ўша тутами узунча бўлгани суннатга мувофиқ бўлади" дейилади. Бунга далил қилиб буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) нинг амаллари олинган. У киши ўша соқолларини тутамлаб туриб тутамидан ортиғини доим қирқиб, теккислаб юрганликлари бўлган, бошқа саҳобалар ҳам буни қилганлар. Ана шу маънода демак соқолни узунлиги атрофидан тўғрилаб юришлиги маънолари олинган. Энди томоқнинг остидаги тукларни қириш ёки қирмаслик тўғрисидаги масалага келганда уламоларимиз ихтилоф қилганлар. Баъзи-бирлари "қилиш керак эмас" деган бўлса, бошқа бирлари "қирса бўлади" деган маънони айтганлар. Бизнинг диёрларимизда ўша "қирса бўлади" деган гап тарқалган, унга амал қилиб келинган ва қилинмоқда ҳам. "40 ёшгача суннат, 40 ёшдан кейин суннат ундан олдин мустаҳаб" деган гап мутлақо нотўғри. деган гап йўқ. Балоғатга етгандан кейин соқол қўйиш борлиги динимизда таъкидланган нарса ҳисобланади. Мўйловни қириш мумкинми, дегани соқол қўйиб туриб мўйловни қирса бўлади. Пайғамбариси (с.а.в.)нинг ҳадисларида шу гап айтилган, "соқолни тўқис қўйинглари ва мўйловни қиринглари" деганлар. Бунга кўпроқ Покистон тарфда амал қилишади, соқоллари узун-узун бўлса ҳам мўйловни демак жуда таги билан қирмаса ҳам яхшилаб қириб юришади, ундай узайтириб юришмайди.